Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● 3 февраль 1970 йил, сешанба ◆ № 27 (14.493). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЯНГИ ЗАФАР

Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхоз чорвадорлари кеча 365 центнер ўрнига 375 центнер гўшт тайёрлаб давлатга сотдилар ва беш йилликнинг якунловчи йилига белгиланган давлат планини шараф билан адо этдилар. Бу ютуққа бўрдоқи боқарлардан А. Эргашев, Б. Йўлдошев ўртоқлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Колхоз биринчи квартал тухум тайёрлаш планини ҳам бажарди. Давлатга 3 минг дона ўрнига 5 минг дона тухум сотилди.

З. КУРТНЕЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

ЛЕНИН юбилейига 78 КУН ҚОЛДИ

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА МИЛЛИОНЛАР МУСОБАҚАСИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ВАТАНГА КЎПРОҚ МЕТАЛЛ БЕРАЙЛИК!

В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш ва 1970 йилда рух заводини ишга туширишни таъминлаш тадбирлари тўғрисида

КПСС XXIII съездининг СССР халқ хўжалигини 1966—1970 йилларда ривожлантиришнинг саккизинчи беш йиллик плани юзасидан Директивларида мамлакат рангли металлургиясини анча ривожлантириш, шу жумладан мис ва рух ишлаб чиқаришни 1,6—1,7 баравар кўпайтириш, кўргошин ва бошқа ноёб ва қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш назарда тутилган.

Директивларда Ўзбекистон рангли металлургиясини ривожлантиришга, хусусан В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган.

Партия Директивларининг амалга оширилиши туфайли беш йилликнинг тўрт йили мобайнида Олмалиқ кон-металлургия комбинатида Қалмоққир мис кони ва Сердоб кўргошин-рух кони қурилиши тамомланди, сульфат кислотаси корхонаси қурилди, мис ва кўргошин-рух саралаш фабрикаларининг қуввати анча оширилди. Мамлакатда биринчи марта ана шу комбинатда мисни кислород ёрдамида эритиш ва узлуксиз қуйиш усули жорий этилди. Буларнинг ҳаммаси шу даврда комбинатда маҳсулот ишлаб чиқаришни 1,7 баравар ошириш имконини берди.

Кўпминг кишилик коллективни ўз бағрига олган Олмалиқ конметаллургия комбинати мамлакат рангли металлургия саноатининг энг йирик корхоналаридан бири бўлиб қолди. Комбинат корхоналари фан ва техниканинг янги ютуқларига таяниб қурилмоқда. Бу эса мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш тўғрисидаги КПСС Программаси амалга оширилишининг конкрет ифодасидир.

Шу билан бир қаторда энергетика, металлургия, машинасозлик ва саноатнинг бошқа тармоқларида техника тараққиёти учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган рангли ва ноёб металларга халқ хўжалигининг талаби ҳамма вақт ўсиб бормоқда, бу эса ана шу металлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни, комбинат қувватларини оширишни жадаллаштиришни талаб этади. 1970 йил халқ хўжалиги планида, яъни беш йилликнинг якунловчи йилида комбинатда йирик рух заводини ва бошқа бир қатор цехларни ишга туширш мўлжалланган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларининг энг муҳим вазифаси В. И. Ленин номли Олмалиқ конметаллургия комбинатида қувватларни муттасил ўстиришдан, янги корхоналар, цехлар қуриш ҳамда ишлаб турган корхона ва цехларни кенгайтириш, такомиллаштириш ҳисобига мис, кўргошин, рух ва бошқа нодир ва ноёб металлар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтиришдан иборат деб ҳисоблайдилар.

Рух заводи жуда катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга эканлигини ҳисобга олиб, ана шу корхонанинг биринчи навбатини шу йилнинг июнь ойида иккинчи навбатини сентябрь ойида қуриб битказиш вазифаси қўйилди. Завод қурилиши умумхалқ зарбдор қурилиши деб эълон қилинди.

СССР Рангли металлургия, Қурилиш, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрликларининг заводни белгиланган муддатда қуриб битказиш учун ишлаб чиққан тадбирлари маъқулланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қурилиш, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрликлари ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати дирекцияси зиммасига қуйидаги вазифаларни юклади:

рух заводи ишга туширилaдиган комплексларда қуйидаги миқдорда қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши таъминлансин:

— Қурилиш министрлигига қарашли ташкилотлар шу йилнинг февраль ойида камида 500 минг сўмлик, март ойида 600 минг сўмлик, иккинчи кварталда 1 миллион 750 минг сўмлик ва учинчи кварталда эса 455 минг сўмлик иш бажарадилар;

— монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг ташкилотлари февралда камида 600 минг сўмлик, мартда 750 минг сўмлик, иккинчи кварталда 2 миллион 250 минг сўмлик, учинчи кварталда эса 1 миллион 180 минг сўмлик иш бажарадилар;

— СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг ташкилотлари иккинчи ва учинчи кварталларда 215 минг сўмлик иш бажарадилар.

Ана шу юмушларни бажармоқ учун завод қурилишидаги ишчилар сони қуйидагича ортади:

— Қурилиш министрлиги ташкилотларида февраль ойида 1000 кишига, март ойида 1200 кишига;

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли ташкилотларда февраль ойида 600 кишига, март ойида 700 кишига, апрель ойида эса 750 кишига;

— шу йилнинг 10 февралига қадар заводнинг ишга туширилaдиган объектлари ҳисобланмиш ишқорлаш цехи ва кек омбори қурилишида тармоқ графиклари ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин.

Икки ҳафта мобайнида шу йил ишга туширилaдиган қуйидаги объектлар бўйича тадбирлар ишлаб чиқилсин:

— мис саралаш фабрикасининг бешинчи секцияси февраль ойида;

— купорос бўлимини тўртинчи кварталда.

Комбинатнинг купорос-шлам цехидаги шлам бўлимини 1971 йилда ишга туширмоқ учун Қурилиш министрлиги ҳамда Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрликларига шу йилнинг ўзидаёқ мазкур бўлимда йигма темир-бетон ва металл конструкциялари монтажи бўйича асосий ишларни бажариш, Тўйтепа металл конструкциялари заводига эса шу йилнинг иккинчи ярмида 2,5 минг тонна металл конструкциялари тайёрлаш вазифаси юкланди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатига рух заводи ва бошқа ишга туширилaдиган комплексларга қурилиш-монтаж ишларини бажаришнинг тармоқ графигида кўзда тутилган муддатларда технологик, ностандарт, вентиляция ва электротехника ускуналари, кабель маҳсулотлари, контрольўлчов приборлари, автоматик ва махсус материалларни етказиб бериш ҳамда рух заводида ишлаш учун 1200 кишидан иборат ишчи кадрлари тайёрлаш топширилди.

Геология министрлигига Чотқол-Қурама тоғларидан кўргошин-рух маъданларини топиш учун қидирув-разведка ишларини кучайтириш ҳамда Олмалиқ конметаллургия комбинати ва рангли металлургия корхоналарини лойиҳалаш Урта Осиё илмий тадқиқот институтига шу йилнинг биринчи ярмида Учқулоч конидаги кўргошин-рух маъданларини саралаш усулларини синовдан ўтказиш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Қурилиш министрлиги ҳамда Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига шу йили комбинат учун 19 минг квадрат метр, шу жумладан йилнинг биринчи ярмида 12,5 минг квадрат метр, учинчи кварталда 2,5 минг квадрат метр ва тўртинчи кварталда 4 минг квадрат метр уй-жой қуриб топшириш вазифасини юкладилар.

«Узгоспроект» институтига 1970 йилнинг биринчи кварталида 10 минг квадрат метр уй-жой қуриш учун иш чизмалари тайёрлаб бериш ва 1970 йилнинг 1 сентябрига эса 1971 йилда бажариладиган иш ҳажми учун чизмалар етказиб бериш топширилди:

— шу йилнинг иккинчи кварталида «Қуйи қирғоқ-кўл» массивда «Олмаликсвинецстрой» трести шаҳарчасини қурмоқ учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва етказиб бериш;

— 1970 йилнинг март-апрелида «Қуйи қирғоқ» ёрдамчи станцияси лойиҳасини етказиб бериш.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига 1970 йилда комбинат корхоналарида ишлаш учун кам деганда 1000 киши, «Алмаликсвинецстрой» трестида ишламоқ учун 500 кишини жўнатиш топширилди. Булар асосан ўрта мактабларни битириб чиққан комсомолёшлар бўлиши керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш Давлат комитетига ишчи кучини уюштириш йўли билан Қурилиш министрлигининг Олмалиқ шаҳридаги ташкилотларига 200 ишчини ва Олмалиқ конметаллургия комбинатига 500 ишчини юбориш таклиф этилди.

Комбинат дирекциясига ва Қурилиш министрлигига янги ишга келаётган меҳнаткашларга зарур иш, уй-жой ва маданий-маиший шароит яратиб бериш, уларга касб-ҳунар ўргатишни муттасил йўлга қўйиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг моддий-техника таъминоти бош бошқармасига, қурилиш материаллари саноати министрлигига ва «Узглавлеспромга рух заводи қурилиши ва Олмалиқ конметаллургия комбинатининг ишга туширилaдиган бошқа комплексларини махсус нарядлар орқали зарур бинокорлик материаллари билан узлуксиз таъминлаб туриш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР Савдо, Соғлиқни сақлаш ва Маиший хизмат кўрсатиш министрликларига рух заводи объектларида ишлаётган қурувчилар, монтажчилар ва ишчи хизматчиларга яхши хизмат кўрсатиш вазифаси юкланди.

Олмалиқ шаҳри аҳолисига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қуйидагиларни тавсия этдилар:

Савдо министрлигига 1970 — 1971 йилларда лойиҳа ҳужжатларни тайёрлаш ва 1971 — 1973 йилларда қуйидаги қурилишларни амалга ошириш:

3000 тонна сабзавот сиғадиган омбор,

3000 тонналик музхона,

500 ўринли ошхона ва кафе,

«Ветерок» типидаги 10 та павильон.

Гўшт ва сут саноати министрлигига 1970 — 1971 йилларда сут заводини реконструкция қилиш топширилди.

Озиқ-овқат саноати министрлигига Олмалиқ нон заводини реконструкция қилиш ҳисобига нон маҳсулотлари турини кўпайтириш топширилди.

1971 — 1972 йилларда Олмалиқ шаҳрида бир кеча-кундузда 80 тонна маҳсулот чиқарадиган нон заводи қурилади. Бунинг учун 1970 йилда зарур лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланади.

Республика Госпланига 1971 — 1975 йиллар учун беш йиллик планни тузаётганда Олмалиқ шаҳрини комплекс ривожлантиришни кўзда тутиш топширилди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига 1971 йилнинг 1 сентябрига қадар Олмалиқда қуриладиган кон-металлургия техникумининг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва 1972 — 1973 йилларда шу техникум биносини қуриб битказиш тавсия этилди.

Тошкент область партия комитети ва Олмалиқ шаҳар партия комитетига, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига рух заводи қувватларини белгиланган муддатда ишга тушириш, қурилиш ва монтаж ишларининг аъло сифати учун қурувчилар ва монтажчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириш, бу ишда қурилишнинг бошланғич партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш топширилди.

Республика ва Тошкент область газеталари редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшитириш ва телевидение Давлат комитетига рух заводи қурилишига оид материалларни мунтазам ёритиб туриш топширилди.

Шу йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюросида рух заводи қурилиши натижалари тўғрисида Қурилиш министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва Олмалиқ шаҳар партия комитетининг ҳисоботларини тинглаш зарур деб топилди.

Завод қурилишида қурилиш штаби тузилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарорида таъкидлаб ўтиладики, қисқа муддат мобайнида рангли металлургиянинг қудратли корхонаси бўлган рух заводини ишга тушириш қурилиш, монтаж ташкилотлари, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, республика партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг шон-шараф ишидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республиканинг партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларини, ҳамма қурувчилар ва монтажчиларни рангли металлургиянинг зарбдор қурилишида ишлаётган барча қурувчилар ва монтажчиларни рух заводини белгиланган муддатда қуриб битказиш ва ишга тушириш учун ҳамма кучғайратларини ва билимларини ишга солишга чақирадилар. Олмалиқ химия заводида жадал қуриш юзасидан орттирилган тажрибани ишга солишга даъват этадилар.

1970 йил — табаррук йил, Ленин юбилейи йили. Республикамиз меҳнаткашлари бутун мамлакат меҳнаткашлари сингари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини янги меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун бутун куч-ғайратларини ишга солмоқдалар.

1970 йилда рух заводи қурилишини ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли бошқа объектларни муваффақиятли қуриб битказиш КПСС XXIII съездининг комбинат қувватларини ошириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Директивларининг амалга оширилиши, Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб меҳнат армуғони бўлади.

Бекобод металлурглари ва Мирзачўлдаги Ленин номли совхоз пахтакорлари ташаббуси издошларининг сафи кенгаяверсин!

КАЛИНИН районидаги Оржоникидзе номли колхоз чорвадорлари юбилей йилида она-Ватанга ҳар қачонгидан кўп, арзон ва юқори сорт чорва маҳсулотлари етказиб бериш учун курашмоқдалар. Суратда: илғор сигир соғувчи Г. Омонбоева. У боқимидаги сигирларнинг ҳар бошидан 2250 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилган. Кунлик сут олиш графигини ошириб бажаряпти. Пастдаги суратда эса молбоқар Анор Деҳқоновни кўриб турибсиз. У чорва молларни бўрдоқига боқишда намуна кўрсатаётир.

К. Розиқов фотолари (УзТАГ)

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ЛЕНИН УЧҚУНИ» ГАЗЕТАСИНИ УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги катта хизматлари учун ҳамда газетанинг биринчи сони чиққанига 40 йил тўлиши муносабати билан «Ленин учқуни» газетаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1970 йил, 2 февраль.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Г. О. МАВЛОНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН ВА ТЕХНИКА АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Геология-минерология фанларини ривожлантириш ва илмий кадрлар тайёрлашдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Сейсмология институтининг директори, академик Ғани Орифхонович Мавлоновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1970 йил, 2 февраль.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. К. АРЕНДСГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Филология фанларини ривожлантиришдаги ва илмий кадрлар тайёрлашдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмаларини тадқиқ этиш ва эълон қилиш секторининг мудири, филология фанлари доктори Альфред Карлович Арендсга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1970 йил, 2 февраль.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. А. ДВОСКИНГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика музика маданиятини ривожлантиришдаги хизматлари учун композитор Александр Александрович Двоскинга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1970 йил, 2 февраль.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. И. ШАЙХЗОДАГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика маданият муассасаларида узоқ йиллар ва самарали ишлаганлиги учун ёзувчи Абдураим Илёс Шайхзодага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1970 йил, 2 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Матбуотда узоқ йиллар ва самарали ишлаганлиги ҳамда республика пионерлар газетаси «Ленин учқуни»нинг биринчи сони чиққанига 40 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан газета редакцияси ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти босмахонасининг бир группа кекса ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

* * *

Узоқ йиллик самарали илмий-педагогик ва жамоат фаолияти учун ҳамда туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон ССР фанлар академияси Ботаника институтининг директори Жўра Камолович Саидов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

Зарафшон водийсида ҳаво илиб қолди. Сабзавотчилар кундуз кунлари парникларнинг устини очиб қўйишмоқда. Бу ерда март ойида далага ўтқазиладиган карам кўчатлари яхшилаб парвариш қилинмоқда.

Йилига юз минг тоннагача сабзавот етказиб берувчи Самарқанд райони бу йил ҳам эртанги экинлар майдонини кенгайтирмоқда.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДА 24 соат

◆ **ПАРИЖ.** 2 февраль. Франко режими испан халқининг мустақиллик ва демократия учун курашини бўғиш ниятида ўч олишни кучайтирмоқда. Француз газетаси «Юманите диманш»нинг ёзишича, Мадрид трибунали студентлардан етти кишини турли муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилган. Студентлар намойишида қатнашганлиги учун уларга шундай жазо берилди.

◆ **ТОКИО.** 2 февраль. Ўтган шанба ва якшанба кунлари Японияда бўлиб ўтган бўрон туфайли 14 киши ўлган, 11 киши бедарак кетган ва 1833 хонадонга жиддий зарар етган. Кучли шторм алоқа линияларига, мамлакатнинг темир йўл хўжалигига ва шаҳар қурилишларига катта зарар етказган.

◆ **ВАШИНГТОН.** 2 февраль. Сенатдаги демократик кўпчиликнинг раҳбари М. Мэнсфилд «Эй-Би-Си» компанияси радиотелевидениесининг программаси орқали сўзга чиқиб, АҚШ ҳукуматини ҳарбий харажатларга кўплаб миллиард маблағ сарфлаётганлиги учун танқид қилди.

◆ **ҚОҲИРА, МЕН** агентлиги Яман Араб Республикаси ахборот ва бирлик ишлари министри Абдалла Нааманнинг баёнотига асосланиб берган хабарида айтилишича, Яман Араб Республикасининг Бош министри Абдалла Ал-Қуршумий истеъфо берган.

◆ **НЬЮ-ЙОРК.** Чили жанубидаги Ньюбле вилоятида фавқулодда ҳолат жорий этилди. Ассошиэйтед пресс агентлиги мухбирининг Сантьягодан хабар беришича, айрим конституцион гарантиялар-нинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган, полиция ҳарбий маъмурлар назоратига олинган. Қишлоқ хўжалик ишчиларидан беш мингга яқин киши шу вилоятда забастовка эълон қилганидан, деҳқонлар эса 10 та катта ер эгасининг мулкларини босиб олиб қўлида сақлаб турганидан кейин маъмурлар ана шундай чоранинг кўрдилар. Меҳнаткашлар турмуш ва меҳнат шароитининг ёмонлигига қарши норозилик билдирмоқдалар. (ТАСС).

Халқ контроли Саҳифаси

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

БОШҚАРУВ АППАРАТЛАРИНИ ИХЧАМЛАШТИРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг бошқарув аппаратларини ихчамлаштириш ва арзонлаштириш ҳақидаги ўтган йили эълон қилинган қарори Фарғона область, шаҳар, район халқ контроли комитетлари ва группаларининг доимо диққат марказида турибди. Ўтган йилнинг ноябрь ойида шаҳар ва район халқ контроли комитетларининг кенгаши бўлиб, бошқарув аппаратларида маблағларни тўғри ва расамади билан сарфлашда халқ назоратчилари олдида турган вазифалар белгилаб олинди. Декабрь ойида эса Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари корхона, муассаса, ташкилотларидаги халқ контроли группаси раисларининг йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда 350 га якин халқ контроли группаси раислари иштирок этди.

Ана шу йиғилишларда бошқарув аппаратларини арзонлаштириш ва такомиллаштириш ҳақида конкрет таклифлар ва мулоҳазалар айтилди, бу борада маъмуриятларга халқ назорачилари кўрсатадиган амалий ёрдамлари белгиланиб олинган эди.

Шуни айтиш керакки, бу тадбирлар ўзининг амалий самарасини бермоқда. Назоратчилар турли корхона, муассаса ва ташкилотларда бўлиб ўтаётган йиғилишларда кўпгина ижобий таклифларни ўртага ташламоқдалар. Масалан, Фарғона нефть заводида ўтган йиғилишда халқ назоратчилари қуйидаги аҳволни очиб ташладилар. Завод стадионининг директори завод маҳаллий комитетидан 115 сўм маош олишига қарамай, яна шу заводнинг ўзида 100 сўм маош билан физкультура инструктори қилиб тайинланган. «Нефтяник» командасининг футболчиси Самсонов ҳам завод маҳаллий комитетидан 180 сўм ойлик олиши билан бирга, 13-цехдан ҳам 3-разрядли слесарь сифатида 90-100 сўмдан пул олаверган. Футбол командасининг бухгалтери ва завод ДОСААФ бошланғич ташкилотининг раиси ҳам худди шундай йўл тутишган. Завод халқ контроли бу масалани муҳокама қилиб, тегишли чора кўриш учун уни маъмуриятга ҳавола қилган эди. Маъмурият уларнинг ҳаммасини завод ҳисобидан олаётган иккинчи ойликдан маҳрум қилди.

Фарғона районидаги «Мўйна» совхози халқ контроли группаси аъзолари ишлаб чиқаришга ҳалал бермаган ҳолда 120 сўм ойлик оладиган агроном-боғбон лавозимини қисқартириш ҳақида таклиф киритдилар. Бу таклиф қўллаб-қувватланди. Бу вазифа бош агроном зиммасига юкланди. Усимликларни муҳофаза қилувчи техник лавозими ҳам қисқартирилиб, уни агроном-энтомолог бажарадиган бўлди.

Давлат аҳамиятига эга бўлган бу муҳим ишга областнинг барча халқ контроли группалари астойдил киришиб кетдилар, деб айтолмаймиз. Кўпгина халқ контроли группалари бошқарув аппарати учун сарфланадиган маблағни камайтириш тадбирларини белгилаётганда, фақат группа раисларини иштирок этиши билан чекланиб қолаётирлар. Шунинг учун ҳам область халқ контроли комитети халқ контроли группа ва постларнинг бу соҳадаги фаолиятини активлаштириш учун тегишли чора-тадбирларни белгиламоқда.

Область халқ контроли комитети бошқарув аппаратига сарф-харажатни камайтириш ҳақидаги партия ва ҳукумат қарори қандай бажарилаётганлигини қатъий план асосида кузатиб бормоқда.

Ҳозир пахта тозалаш саноати, саноат қурилиши материаллари министрлигига қарашли корхоналар, совхозлар трести ва матлубот жамиятларида мазкур қарорнинг бажарилишини текшираётирмиз. Унинг натижаси область халқ контроли комитетида кўриб чиқилади. Лозим топилса, бу масалани муҳокама қилиш партия ва совет органларига тавсия қилинади.

Бундан ташқари область халқ контроли комитетининг штатсиз бўлимлари ҳам ўзларининг конкрет тадбирларини ишлаб чиқишган. Унда текшириладиган корхона ва ташкилот аниқ кўрсатилган. Улар бошқарув аппаратлари ҳамда бошқа хўжалик қарамоқларига маблағ қандай сарфланаётганини кўриб чиқадилар. Лекин шу нарса бизни таажжублантирмоқдаки, областнинг айрим бошқармалари қонунсизлик билан ишлайдиган министрлик ва идоралардан бошқарув аппаратини арзонлаштириш ҳақида тегишли йўл-йўриқ ва топшириқлар олмаганлар. Область суғориш тармоқлари, ипакчилик ва қишлоқ хўжалик бошқармалари бунга яққол мисол бўла оладилар.

Шу кунгача область молия бўлими Молия министрлиги орқали кўриб чиқилган ва маъқулланган 16 та корхона бўйича қатъий топшириқ олди. Буларнинг ҳам аксарияти иттифоқ ва иттифоқ-республикага қарашли корхоналардир. Бироқ республика министрликлари бу борада нима ишлаётганини ҳеч ким билмаётирлар.

Партия ва ҳукуматимизнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу қарорини тўла бажарилишини таъминлаш партия, совет, хўжалик, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Фарғона область халқ назоратчилари бу муҳим қарорнинг тўлатўкис бажарилиши учун кенг меҳнаткашлар оммасига таянган ҳолда меҳнат қиладилар.

А. ВАНЮШИН,

Фарғона область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

ҚАРОР ИЖРОСИНИ ТЕКШИРАМИЗ

✻

ХАТГА ЭЪТИБОР— ЭЛГА ЭЪТИБОР.

✻

НАЗОРАТНИНГ КУЧИ УНИНГ ОММАВИЙЛИГИДА ВА ОШКОРАЛИГИДА

✻

ЧОРВАНИНГ ЧИҚИМИ ЧАҚМАЙДИМИ?

Тошкентдаги шарикоподшипник заводи халқ контроли группасининг назоратчилари тайёрланаётган маҳсулотнинг доимо сифатли бўлиши учун астойдил нурашаётирлар. Суратда: лечинча меҳнат вахтасида туриб ишлаётган халқ назоратчилари (ўнгдан) Н. Абдуллаева ва С. Денисломовалар тайёр деталларни нўздан кечирмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида

ЧОРВА—ХАЛҚ БОЙЛИГИ

Яқинда республика Халқ контроли комитети Бекобод районида чорвачиликни ривожлантириш, чорва маҳсулотларини кўпайтириш ҳақидаги партия ва ҳукуматимизнинг қарори қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқди.

Комитет шуни таъкидлайдики, Бекобод районида мазкур қарор қониқарсиз бажарилмоқда.

Озуқа экинлари экишда кўзбўямачиликка йўл қўйилган. Масалан, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг берган маълумотига қараганда, «Далварзин-3» совхози 3 гектар ердан 66 центнер озуқабоп ҳосил олган деб кўрсатилади. Амалда эса мутлақо бунинг теснариси бўлган. Райондаги бир қатор колхоз ва совхозларда ҳам шундай ҳол юз берган...

Бекобод районида силос ва дағал хашак тайёрлашни ошириб ёзиш ҳоллари ҳам мавжуд. Масалан, «Коммунизм» колхози бухгалтерияси ҳисобкитобида кўрсатилишича, 620 тонна дағал хашак ва 1210 тонна силос бостирилган. Озуқа жамғариш ҳақида районга берилган маълумотда эса дағал хашак 42 тонна, силос эса 290 тонна кўрсатилган.

Дзержинский номли, Ленин номли, «Победа», «Коммунизм», Навоий номли колхозларда ва кўпгина совхозларда мол туёғини кўпайтириш йиллик плани бажарилмаётир, моллар сони йилдан-йилга камайиб кетаётир.

Комитет Бекобод райижрокомининг раиси ўртоқ Кушеров ва район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қозоқбоевга партия ва ҳукуматимизнинг район хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтириш тўғрисидаги қарорини бажаришдаги жиддий камчиликларини алоҳида кўрсатиб ўтди. Уларнинг мавжуд камчиликларни тезда бартараф этиш учун конкрет чора ва тадбирлар белгилаймиз, деган ваъдаси инобатга олинди.

«Далварзин-3» совхози директори Б. Мирзакаримов, Ойбек номли совхоз директори Э. Тўрақулов ва «Коммунизм» колхози раиси М. Бегматовлар ишда хўжасизлик, моллар туёғининг камайиб кетишига йўл қўйиб, давлатга моддий зарар етказганлар. Шунинг учун уларнинг ҳар биридан 1970 йилнинг охиригача бир ойлик маоши ҳажмида етказилган зарарнинг бир қисмини ушлаб қолишга қарор қилинди.

Район халқ контроли комитетининг раиси ўртоқ Қодировга колхоз ва совхоз халқ контроли группаси раислари билан чорвачиликнинг аҳволига бағишланган йиғилиш ўтказиб, уларнинг зиммасига ем-ҳашакни тўғри сарфлаш, моллар тўёғини аниқ ҳисобга олиш, сут согиш, унинг ёғлилик даражасини аниқлаш ва сутни заводларга ўз вақтида жўнатилиши устидан қатъий назорат олиб бориш вазифаси юклатилди.

Бекобод райижрокоми ва район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси мавжуд камчиликларни бартараф қилиш ҳақида республика Халқ контроли комитети қабул қилган қарорнинг ижросини 1970 йилнинг биринчи мартида комитетга ҳабар қилишларини топширди.

НАТИЖА—ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

КОНТРОЛЬ ГРУППАСИ ТАЖРИБАСИДАН

Режалар белгилаш, қарорлар қабул қилиш ишнинг бошланиши. Муҳими режанинг рўёбга чиқарилишида, қарордаги тадбирларнинг амалга оширилишидадир. Халқ назоратчилари фаолиятини олайлик. Уларнинг ишига ҳам фақат текширишларнинг сони эмас, балки ўтказилган текширишлар умумий ишга қандай манфаат келтирганлиги асосий мезон бўлади.

Бизда қатъий қонда мавжуд: ҳар бир текширишнинг натижаси, қабул қилинган қарорнинг ижроси доимий назорат остига олинади. Камчиликларни аниқлаш билан кифояланмай, мавжуд нуқсонлар тугатилишига эришишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўямиз. Шундагина текширишдан кўзланган мақсад амалга ошади.

Халқ контроли группаси сосгави 27 кишидан иборат. Улар орасида 14 коммунист бор. Пост аъзолари 80 киши. Мана шу катта куч колхоз партия ташкилоти ва правлениесининг зўр таянчига, актив ёрдамчисига айланди. Группа ичида тармоқлар бўйича бешта секция тузилганлиги текширишларнинг чуқур, малакали ўтказилишига ёрдам бераётир.

Ҳар бир секция ўз иш планига эга. Текшириш ўтказишга группа ва пост аъзолари билан бир қаторда, район ва қишлоқ советлари депутатлари, касаба союз ва комсомол активлари, пенсионерлар ҳам жалб қилинади. Текшириш якунлари группа бюроси мажлисларида, группанинг йиғилиш-суҳбатларида, зарур ҳоллларда эса партия ва правление йиғилишларида муҳокама этилади.

Ўтган йили қатъий план асосида 28 марта текшириш ўтказилди. Колхоз мулкининг сақланиши, ердан ва сувдан фойдаланишнинг аҳволи, пахта нобудгарчилигининг олдини олиш, чорва қишловини, ёнилғи ва мойлаш материалларини тежаб сарфлаш юзасидан ўтказилган текширишларнинг якунлари группа мажлисларида, партия ташкилоти ва правление йиғилишларида кенг муҳокама қилинди. Текширишлар амалий ишда ўз натижасини берди.

Ёнилғи ва мойлаш материалларининг сарфланиши текширилган пайтда нерофгарчиликка йўл қўйилаётгани аниқланди. Масалан, шоферлардан С. Рўзиматов, М. Қурбонов, механизаторлардан Қ. Қуриёзов, М. Кўчимов ва бошқалар ёнилғини исроф қилганлар. Шофер О. Аҳмедов 255 литр бензини ўринсиз харж қилган. Текшириш якуни халқ контроли группаси таклифи билан правление мажлисида кўрилди. Мажлисга барча шоферлар ва механизаторлар таклиф этилди. Исроф-гарчиликка йўл қўйган кишиларга нисбатан тегишли чора кўрилди. Ёнилғи маҳсулотларини сарфлашда қаттиқ тартиб ўрнатилди. Тежамкорлик учун кураш олиб борилганлиги туфайли, ўтган йили 10 минг литрга яқин бензин, 30 минг литрдан ортиқ дизель ёнилғиси, 500 литр автол тежалди.

Шу факт қувончлики, нефть маҳсулотларини тежаш учун кураш бошлаган группамиз халқ назоратчиларининг ташаббусини область партия комитети бюроси маъқуллади. Кейинчалик ташаббус ҳамма ерда кенг қулоч ёйди.

Ошкоралик текширишларнинг таъсирчанлигини таъминламоқда. Группанинг «Халқ контроли амалда» деворий газетаси, постларнинг «Сигнал» варақалари камчиликларни муросасизлик билан фош қиляпти. Ҳар ойнинг 26-куни «Халқ контроли куни» қилиб белгиланган.

Ҳайитгул СОЙИБОВА,

Ҳазорасп районидаги Наримановнинг номли колхоз халқ контроли группасининг раиси.

АЖАБ САВДОЛАР

БУ ЁҒИ НИМА БЎЛАРКИН?

Магазин ёки буфетдан бирор нарса харид қиласиз. Баъзан айрим пиҳи қайрилган сотувчилар қайтимни бермайди. Кўзини ўлган бузоқнинг кўзидай лўқ қилиб, безрайиб тураверади. Ушанда бу ёғи қандай бўлди? Қайтими қани, деб сўрашга журъат қилсангиз борми, кўз очиб юмгунча сизга «пасткаш», «майда гап», «ипирискі» деган сўзлардан иборат тавқи лаънат «маржонини» бўйнингизга «осиб» қўйишади. «Қани туёғингизни шиқиллатиб қолинг», «Жўнанг жуда ҳам...», — деб лаб пичирлатиб, урмаса-да, туртиб жўнатади. Сийламагани майли-я, бироқ нега хўрлайди деб бир-икки ҳафта оромингизни йўқотасиз.

Ушанда ҳайрон бўласиз. Уйлаб қоласиз. Ким пасткашу, ким юлғин? Яқинда Сирдарё педагогика институтининг студентлари Инатов ва Ким «Бахт» обшепитига қарашли 1- чойхона буфетидан 8 сўм 77 тийинлик нарса харид қилишди. Бироқ сотувчи Жабборов счётнинг доналарини қошини чимириб ўнгга урди, сўлга урди. Ҳуллас 9 сўм 50 тийинга етказди, 73 тийин чўтал чиқарди. Лекин студентлар ҳам бўш келмади. Фактурани талаб қилишди. Фактурани берса, ишнинг пачаваси чиқишини билган Жабборов шошиб қолиб, у нимаси? деб ўзини гўлликка солди.

Воқеа бундай бўлган: Жабборовни сотувчиликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аслида обшепит директори М. Агаевнинг ўғли буфетчи бўлиб ишлайди. Бу бойруқ билан ҳам расмийлаштирилган. Бироқ у Тошкентга, ўқишга, имтиҳон топширишга кетган. Ушанда М. Агаев қўйнидан тўкилса, қўнжига деган ақидага амал қилиб қариндоши Жабборовга буфетнинг калитини тутқазди. Бу ёғи ўзингнинг ҳаракатингга боғлиқ, — деб қўйишни ҳам унутмади.

Аммо ҳозирча ишнинг бу ёғи Жабборовдан нўра Сирдарё район прокуратурасига боғлиқ бўлиб қолди. Чунки ҳаридорлар ҳақига ҳиёнат қилган Жабборовнинг иши район прокуратурасида.

ОЛМА ПИШ...

Узини билган чорвадор бу йилги қишловга пухта ҳозирлик кўрди. Бироқ Сирдарё районидаги «Узбекистон» колхози ҳақида бундай деб бўлмайди. Бу ерда етарли озуқа жамғариш, чорва биноларини вақтида ремонт қилиш ўрнига «Олма пиш, оғзимга туш» деб қўл қовуштириб, баҳона қидириш билан овора бўлишди. Бор-йўғи 89 процент озуқа жамғарилди, холос. Бу колхозда молларни сунъий урчитиш пункти анчадан бери «қантариб қўйилган». Ҳисоб-китоб ишлари издан чиққан. Моллар белгиланган рацион асосда боқилмаётгани учун сигирлар кам сут бермоқда. Шунингдек, Карл Маркс номли колхозда ҳам чорва биноларининг ремонти ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Механизациядан фойдаланиш мутлақо талабга жавоб бермайди. Бу хўжаликда ҳам урчитиш пункти бир меъёрда ишламайди, сут лабораториясидаги иш тўхтаб қолган. Туғилган бузоқларни ҳисобга олиш ҳам ўлда-жўлда. Аммо колхоз ферма мудири Қулметов, бош зоотехник К. Нуралиев ва ветеринария фельдшери Ирсимбетовлар «Ҳаммаси тўғри бўлиб кетади» деб ўзларига ўзларни таскин бериб юришибди. Бу билан тилсиз жониворларга жабр қилмоқдалар.

У. АБДУАЗИМОВ.

НАЗОРАТ АХБОРОТИ

✦ ФАРҒОНА область халқ контроли комитети Киров райони хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш бўйича Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми қарорларининг бажарилишини текшириб, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда мавжуд имкониятлар ва ресурслардан ёмон фойдаланилаётганини аниқлади. Айниқса, «Москва», «Искра» колхозлари ва «Бешариқ» совхозида сут ва гўшт етиштириш топшириқлари бажарилмай келаётир.

Ҳозир текширишда аниқланган камчиликлар бартараф этилмоқда.

✦ ҚАШҚАДАРЁ назоратчилари область автотранспорти ишини ўрганиб, қатор камчиликлар билан бир қаторда катта ўринсиз ҳаражатларга йўл қўйиб келинаётганини очиб ташладилар. Айниқса, 140-автобазада бекорчи ҳаражатлар кўпайиб кетган. Бу ерда штатларни кўпайтириб юборишдан ташқари, командировка ҳаражатлари беш минг сўмдан ошиб кетган.

Область халқ контроли комитети бундай хўжасизлик ва масъулиятсизлик учун 140-автобазанинг бош бухгалтери Шчербатихга виговор эълон қилди, автохўжаликлар директорлари эса огоҳлантирилди.

✦ ХОРАЗМ халқ контролерлари аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволини текшириб, область маиший хизмат бошқармаси ходимлари томонидан йўл қўйиб келинаётган қатор қўпол камчилик ва хатоларни аниқладилар.

Область маиший хизмат бошқармасининг бошлиғи А. Хусаинов бўлса, ўз лавозимини суиистеъмол қилиб, ателье мудирларидан ники кишини қисқартиб, комбинат директор ўринбосари лавозимини ўзича жорий қилган.

Область халқ контроли комитети бундай камчилик ва йўл қўйилган хатолар учун Урганч шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати директори Хожиннёзова виговор эълон қилди. Бошқа айбдор шахслар ҳам тегишинча жазоланди.

РАССОМ БЛОКНОТИДАН



«Коса тагидаги ним коса».

Раис:
— Чўмичга чиққани шу-да.

Савдо «илғорлари»:
— Шу «азаматлар» бор экан, план ҳам юз-да!
М. Воробейчиков расмлари.

ҲОЗИРЖАВОБЛИК НАМУНАСИ

Хатга эътибор, элга эътибор

Бу ернинг адреси кўпчиликка маълум: Марғилон шаҳар халқ контроли комитети меҳнаткашларнинг шикоят ва таклифларини кўриб чиқувчи бюроси. Бу ерга кимнинг иши тушмасин доимо хурсанд бўлиб қайтади. Бултур бюрога бирқанча шикоят ва аризалар тушди. Ишчилар, хизматчилар ишлаб чиқаришдаги камчиликлар, ишга солинмаётган резервлар, кишиларга бепарволик билан қараш ҳоллари ҳақида хабар беришганди. Шуни айтиш керакки, бирорта хат эътибордан четда қолмади. Шикоят ва таклифлар билан келувчиларни кишилар ҳурматини қозонган Н. Г. Сумароков, А. Рустамов, Т. Ҳўжаев, Ю. Мишеев, Х. Акромов, Б. Файнберг каби кўплаб баобрў юрист, врач, ўқитувчилар қабул қилишади. Ҳар бир кишининг таклиф ва шикояти тингланиб, керакли ёрдам берилади. Шаҳар халқ контроли комитетининг шикоят ва таклифлар бюросида 12 та штатсиз, жамоатчи актив иш олиб боради. Улар ҳар бир масалага одилона, партиявий принципиаллик билан ёндошиб, масаланинг моҳиятини чуқур ва атрофлича ўрганиб, сўнг уни ҳал қилишга киришадилар. Уларнинг ҳар бирининг ишидан ибрат олса арзигулик. Айниқса, И. П. Соболева ва П. Н. Парфеновалар-нинг ишини намуна қилиб кўрсатса бўлади.

Нега десангиз, уларнинг ёши олтмишдан ошган бўлишига қарамай, топширилган ишни намунали бажаришда кўпчиликка ўрнак кўрсатишмоқда. Уларнинг фаолияти ҳақида аниқ тасаввурга келиш учун улар билан суҳбатлашиб, иш планлари билан танишишнинг ўзиёқ кифоя. Чунки планда ҳар бир масаланинг бажарилиши, ким бажаргани, ишнинг натижаси ойнаден акс этиб турибди. Бу албатта маъсулиятни чуқур англаш, ишни тўғри ташкил этиш, юксак уюшқоқлик ва интизомлиликнинг натижасидир.

Мана бир мисол. «Узоптгалантерея»нинг Фарғонадаги областлараро база ходимларидан бири 1-магазинда совет савдоси қондаси қўпол бузилаётганлиги ҳақида хабар берди. Мазкур магазиндан у 10 сўм 30 тийинлик эрканлар нимчасини ўз нархига сотиб олган. Бироқ, унинг ёрлиғидаги баҳо ўзгартирилганлигига кўзи тушиб қолган. Марғилон шаҳар халқ контроли комитети меҳнаткашларнинг шикоят ва таклифлари билан шуғулланувчи бюроси шу сигнал асосида текшириш ўтказганда, келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Магазинда моллар нинг баҳосини ошириб сотиб, харидорлар ҳақига хиёнат қилишга чек қўйилди. Айбдорларга тегишли чора кўрилди. Марғилон шойи комбинатининг 5-болалар богчасидаги қиғир ишлар ҳақида тушган шикоят бўйича текшириш ўтказилганда, жиддий камчиликлар очиб ташланди. Бу ерда болаларнинг ҳақидан уриб қолиш одат тусига кирган. Фақат вафлиннинг ўзидангина ҳар куни кичкинтойларга 2 килограммдан эвдроқ кам берилган. Бошқа маҳсулотлардан ҳам уриб қолинаверган, тайёрланаётган овқатларнинг сифати ниҳоятда паст бўлган. Текшириш якуни шаҳар халқ контроли комитетининг йиғилишида муҳокама қилинди. Болалар богчасининг мудири А. И. Колтиноговага қаттиқ виговор эълон қилиниб, аниқланган камчиликларни тезда бартараф қилиш ва келгусида бундай аҳволнинг олдини олиш мақсадида, мунтазам назорат олиб боришни топширди.

Мана яна бир мисол. Бюрога газета-журнал ва меҳнаткашларнинг хатлари эгаларига вақтида етказиб берилмаётгани ҳақида шикоят тушди. Бюронинг штатсиз инспекторлар, шикоятдаги фактларни чуқур текширдилар. Шу нарса маълум бўлдики, шаҳардаги кўпчилик алоқа бўлимларида матбуот нашрлари ҳафталаб ётаверган, эгаларига вақтида етказиб беришга эътибор берилмаган. Бу масала ҳам шаҳар халқ контроли комитетида кўриб чиқилди. Бу ишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан жиддий чоралар кўрилди. Эндиликда шаҳар алоқа узели ишидан кўпчилик мамнун.

Марғилон шаҳар халқ контроли комитети ва унинг раиси М. Мадумаров хатлар билан ишлашни кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқани мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси деб қарайди. Бултур комитетга бирталай хат ва шикоятлар тушди, кўплаб граждан лар шикоят ва таклифлар билан бюрога ёзилмоқда. Меҳнаткашларнинг сигналларига қандай муносабатда бўлиш керак? Бунда умумий андоза йўқ. Бироқ, партия ва ҳукуматимизнинг бу ҳақдаги қарорига амал қилган ҳолда, сигнал характерини батафсил ўрганиб чиқиш лозим. Баъзан камчиликнинг дарров олди олинади. Иккинчи хат эса текшириш ўтказишни тақозо қилади, учинчисида эса шикоят эгасига зерикмай тушунтиришга тўғри келади... Бир оғиз сўз билан айтганда, ҳар бир хат камчиликларнинг олдини олиш, борди-ю у содир бўлган экан унинг тезда тугатилишига ёрдам бермоғи керак. Баъзи ҳоллларда кишилар билан суҳбат қилиш, меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларини диққат ва эътибор билан ўрганиш комитетга айрим масалалар бўйича текшириш ва рейдлар ўтказишга ёрдам бермоқда. Фақат ўтган йилда меҳнаткашлардан олинган сигналлар орқали ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган олтита масала комитетда муҳокама қилинди. Бу эса, кўпгина ички резерв ва имкониятларнинг топилиши ва улардан фойдаланишга ёрдам берди.

Шаҳар халқ контроли комитети меҳнаткашларнинг шикоят ва хатлари билан шуғулланувчи бюроси ишни қатъий ойлик план асосида олиб бормоқда. Бюро планида меҳнаткашларнинг оғзаки ва ёзма шикоят ва таклифларини муҳокама этиш, муассаса ва ташкилотларда хат, шикоятлар билан ишлашнинг аҳволи каби масалалар ўз аксини топган.

Коммунистик партия биздан меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига, таклиф ва мулоҳазаларига сезгирлик билан муносабатда бўлишни талаб қилмоқда. Буни тўғри тушунган Марғилон шаҳар халқ контроли комитети ва унинг меҳнаткашларнинг шикоят ва таклифларини кўриб чиқувчи бюроси ҳар бир сигнал, шикоят ва хатга ҳозиржавоблик билан, аниқ, тез ва амалий ёндошишга интилмоқда. Бу соҳада ижобий натижаларга эришмоқда. Бу эса ишнинг ошкоралигини таъминламоқда.

А. БУГЛАНОВ.

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан

ЖОНЛИ ШОҲИДЛАР

...СССР халқ хўжалигининг Марказий давлат архиви. Ўнлаб улкан залларда узунузун тоқчалар бор. Агар ана шу тоқчалар бир чизиққа қўйиладиган бўлса, 54 километр масофага чўзилиб кетган бўлурди. Бу нодир ҳазинада бир неча миллион ҳужжатлар жамланганки, бу ҳужжатлар Совет ҳокимияти йилларида халқ хўжалиги босиб ўтган йўлни акс эттиради.

Советлар мамлакатининг дастлабки йилларидаги ҳужжатлар солинган папкалар сарғайиб кетган. Бу папкалардаги ҳужжатлар совет кишиларининг — жаҳонда биринчи социалистик давлат қурувчиларининг ғайратташаббуси ва революцион жўшқинлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида чиқарилган барча асосий қонун ҳужжатларининг вужудга келишига ҳеч қандай мустаснисиз В. И. Ленин бевосита алоқада бўлган.

Владимир Ильич ўз сафдошлари билан биргаликда ер тўғрисида, тинчлик тўғрисида, национализация тўғрисида ишлаб чиқариш ва тақсимот устидан ишчи контроли тўғрисида қабул қилинган декрет ва қонунларни амалга оширишу билан шуғулландики, бу ҳужжатлар социалистик хўжаликнинг, экономиканинг, планлаштиришнинг негизларини яратиб берди.

Архивда халқ хўжалиги биринчи олий кенгашининг, Россияни электрлаштириш комиссиясининг, госпланнинг, молия органларининг, марказий статистика бошқармаси, барча халқ комиссарликларининг, иттифоқ қарамоғидаги министрликлар ва идораларнинг ҳужжатлари сақланмоқда. Госпланнинг фондидагина эллик мингга яқин дело бор. Бу ерда мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга доир, иқтисодий жиҳатдан районларга бўлиш, планлаштириш методологияси, хўжалик ҳисобига доир асосий материаллар тўпланган.

Масалан, архивда биринчи беш йиллик планнинг бир қанча вариантлари сақланиб қолган. Партия Марказий Комитети билан Госплан ана шу планни тузиш соҳасида ғоят катта иш қилди. Фақат биринчи беш йиллиқдагина эмас, балки ундан кейинги беш йилликларда ҳам қурилишнинг барча асосий масалалари тўғри ҳал қилинганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Ленин ҳужжатлари айниқса қимматлидир. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги архив материалларини чуқур ўрганиш натижасидагина кейинги йилларда 150 дан зиёдроқ ҳужжат — В. И. Ленин дастхати топилди. Бу ҳужжатларнинг кўпчилик қисми В. И. Ленининг танланган асарлари тўпламида биринчи марта эълон қилинди. Ленин ҳужжатларини топиш соҳасидаги иш давом эттирилмоқда. Кейинги кунлардагина Ленининг янги олтита ҳужжати топилди. Бу ҳужжатлар Ер ишлари халқ комиссарлигини дастлабки коммуналар — колхозларга қарз бериши учун маблағ билан таъминлашга доир, темир йўл транспорти ишини яхшилашга доир ва бошқа ҳужжатлардир.

СССР халқ хўжалиги архиви министрлик ва идораларнинг коллективлари билан биргаликда халқ хўжалигининг атоқли арбоблари, йирик мутахассислар, новаторлар тўғрисида материаллар тўплаш борасида катта иш олиб бормоқдаки, уларнинг номи тарихда қолиши керак. Мана шу соҳа бўйича Ильичнинг сафдошлари тўғрисида 150 дан ортиқроқ шахсий фонддан ҳужжатлар олинди.

— Шахсий фондларни тўплаш тағин узоқ йиллар давом этади,— дейди архив директори А. Г. Федоров.— Бизга келаётган ҳужжатлар Совет давлатининг тарихи саҳифаларини анчагина бойитади.

Биз биринчи беш йилликларнинг қаҳрамонлари хотирасини ҳам, Ильич билан биргаликда меҳнат қилиб биринчи йўл очган кишиларимиз тўғрисида, Советлар мамлакатининг халқ хўжалигига асос қўйган кишилар хотирасини ҳам тикламоқдамиз. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги бош архив бошқармаси халқ хўжалигимиз Марказий давлат архиви ва СССР тарихи институти В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига индустрлаштириш тарихи юзасидан тўрт томдан иборат ҳужжатлар тўпламини тайёрладилар, шунингдек қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш тарихи юзасидан уч томлик ҳужжатлар тўплами тайёрланди. «В. И. Ленин ва шимолни ўзлаштириш», «СССР ташқи савдоси тарихи» деган ва бошқа янги ҳужжатлар тўплами нашрга тайёрланмоқда.

Архив ходимлари Владимир Ильич номли заводда, «Каучук» заводида, Лихачев номли заводда ва Москвадаги бошқа йирик корхоналарда ўтказилган тематик учрашувларда иштирок этдилар. Улар В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, доҳийга меҳнаткашлардан келган мактублар, телеграммалар, табриклардан иборат виставка уюштирдилар, шунингдек юқоридаги корхоналарнинг тарихини акс эттирувчи СССР Марказий давлат архивида бор бўлган ҳужжатлар ва фото суратлардан иборат виставка ташкил этдилар.

Ҳозир архив коллективи министрликлар ва идоралар билан биргаликда янги ҳужжатлар виставкасини тайёрлмоқда. Бу виставкалар ленинча гениал режалар мамлакат ҳаётида қандай рўёбга чиқарилганлигини, халқ хўжалигимиз Совет ҳокимиятининг 52 йили мобайнида тўпланган улуғвор тажриба ҳақида ҳикоя қилиб беради.

В. СЕРОВ.
(ТАСС мухбири).

Москва.

Механизациялаш хосияти

ЯНГИ ҚУРИЛМА

Механизациялаш жонкуярларининг меҳнати билан Тошкент паррандачилик фабрикасида бо қилаётган товуқлар роҳатда яшамоқда. «Ўзагропросельстрой» институтининг бош мутахассиси А. Аҳтимов билан «Ўзптицепром» механизациялаш бўлимининг бошлиғи К. Мандалак ўртоқлар ўзаро ҳамкорликда паррандахоналардаги ҳавонинг намлигини ошириш ва мўътадилаштиришга ҳизмат қиладиган ускунани синовдан муваффақиятли ўтказдилар.

Паррандачилик фабрикасида ўтказилган синов натижаларига кўра, янги қурилма хонадаги ҳароратни жуда иссиқ вақтларда 32 градусга пасайтириш, кассеталардаги ҳавони 20 даражага туширишга хизмат қилади. Янги ускуна Ўрта Осиё иқлими учун жуда қулай деб топилди.

Д. ПОЛЕВОЙ.

ЭНДИГИНА УЗИБ ОЛИНГАНДАЙ

«Ўзбекбирлашув» матлуботчилари аҳолини бутун йил давомида янги маҳсулотлар билан таъминлаб туриш тадбирларини кўрмоқдалар. Оржоникидзе район матлубот кооперацияси шу мақсадда сабзавотлар сақланадиган механизациялашган янги омбор қуриб олди. Бу ерда сабзавот ва бошқа маҳсулотларни авайлаб туришга ва омборга жойлашга ёрдам берадиган механизмлар ўрнатилди. Андижон район тайёрлаш базасида ҳам сақланаётган маҳсулотларни шамоллатиб турадиган механизмлардан фойдаланилянти.

Механизациялашган омборлар мева ҳамда сабзавотларни қиш ойларида ҳам сифатли ва уриб тирмай сақлаш имконини бермоқда.

ОЙЛАР ИШИ МИНУТЛАРДА

Ўзбекистон ирригация иншоотларини лойиҳалаш давлат институти ҳисоблаш марказидаги ускуналар қаторига яна бир антиқа машина қўшилди. «Урал-3» маркали бу электрон ҳисоблаш машинаси лойиҳачилар меҳнатини жуда енгиллаштирянти. Машина юқори малакали инженернинг икки ойда бажарадиган ишини 30 минутдагина адо этиб қўймоқда.

Шу машина ёрдамида институт ҳисоблаш маркази ходимлари бошқа корхона, ташкилотларнинг маълум программадаги буюртмаларини ҳам бажариб бераётирлар.

Д. РАҲМОНОВ.

ФАРҒОНА области. Ҳамзаободда совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик. Ёдгорлик авторлари — республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, скульптор Ф. Гришченко ва архитектура профессори А. Бобохонов.

А. Почкаев фотоси (ЎзТАГ).

ДОҲИЙ МЕҲРИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Алишер Навоий номли адабиёт музейи.

Ўтган куни бу ерда пойтахт жамоатчилиги йиғилди. Музейнинг катта залларидан бирида пролетариат доҳийси В. И. Ленининг туғилганига 100 йил тўлишига бағишланган кўргазмани тантанали очиш маросими бўлди.

Текис сафга чизилган пионер-ўқувчилар Ильич ҳақидаги қўшиқ ва шеърларни мароқ билан айтадилар. Шундан кейин ҳамма сукут сақлайди. Музей директори навоийшунос Ҳ. Сулаймонов Ленининг илтимоси билан унинг синглиси Мария Ильинична томонидан оддий ўзбек дурадгор усталари Қодиржон Ҳайдаров ва Рўзибой Юнусовларга йўллаган жавоб хатининг асил нусҳаси ўқиб берилишини эълон қилади.

Октябрь район партия комитети секретари С. Усмонова қизил лентани қирқиб ҳаммани ичкарига таклиф қилади.

Кенг ва ёруғ зал тўрига ўрнатилган доҳий сиймоси киши диққатини ўзига тортади. Ўзбекистонликларнинг Ленин қадамжолари бўйлаб қилган сафарлари вақтида олинган фоторасмлари ҳам йирик панноларда акс эттирилган.

Ойнаванд столлар, шкафларда Владимир Ильичнинг меҳри, нур-зиёси билан сайқалланган, бевосита унинг раҳбарлигида чиқарилган «Искра» ва «Правда» газеталарининг 1900 йил декабрь ҳамда 1912 йил апрель сонларидан намуналар кўзга ташланади.

Ленин даҳоси, меҳнаткашларга бўлган меҳр-муҳаббатини ижодкорлар учун тугамас илҳом манбаи деса бўлади. Тилларда, дилларда достон Ленинни ўзбекистар севиб куйлаб келдилар ва мадҳ этмоқдалар. Бу ерга ва қўйилган асарлар, рисола ва қўлёзмалар ўзбек совет адабиёти намояндаларининг бадиий адабиётда Ленин образини яратиш устида қилган меҳнатларининг турли боқичлари ҳақида ҳикоя қилади.

Ҳ. НОСИРОВ.

Чорва қишловини намунали ўтказайлик

ИНТИЛИШ

Йиғилишларда одатда илғор хўжаликлар мақталади, қолоқлари танқид қилинади ю, ўрта миёнаси ҳақида лом-мим дейилмайди. Ваҳолонки, ўша ўрта боқичдагь хўжаликларда ҳам кишини қувонтирадиган, ибрат олса арзийдиган ишлар кўп бўлади. Бунга «Қизил Октябрь» колхози мисол бўла олади.

Колхознинг сут-товар фермасида 1025 бош қорамол, шу жумладан 330 бош соғин сигир бор Чорва бинолари, ем-хашак базаси ҳам шунга яраша. Маҳсулот етиштириш йил сайин кўпайтириляпти. Тежамли иш тутилиши туфайли таннарх камайтириляпти. Масалан, бултур ҳар бош сигирдан 1320 литрдан сут соғиб олинди. Бу рақамни Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозида ҳар бош сигирдан соғиб олинган сутга қиёсланса, ер билан осмонча тафовут қилади. Аммо масаланинг бошқа томони бор. «Коммунизм» колхозининг сигирлари зотдор-говмуш. «Қизил Октябрь» колхозининг сигирлари эса жайдари. Шунга қарамай, ҳар бош соғин сигирдан олинаётган сут миқдори бир йилда 250-300 литр кўпаймоқда.

— «Коммунизм» колхози чорвадорлари, ҳусусан сут соғувчи Гулнора Ғаффорованинг меҳнат жасоратига қойилмиз,— дейди ферма мудири Ҳусанбой Шералиев. — Улар ҳар бош сигирдан 3800-4300 литрдан сут соғиб оляпти. Биз ҳамкасбларимизнинг тажрибасини ҳаётга дадил татбиқ этишга аҳд қилдик. Орзумизни фермадаги ишларни механизациялашдан бошладик. 24 минг сўм маблағ сарфлаб, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштирдик. Натижада 10 кишини қурилиш ва ем-хашак тайёрлаш бригадаларига ишга ўтказиш имконияти туғилди. Бу сут, гўшт таннархининг камайишига ҳам таъсир кўрсатади, албатта. Энди «Арча» типидаги сут соғиш агрегатини ўрнатиб, тез фурсатда ишга тушурамиз.

Хўжаликда сигирлар сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор бериляпти. 1969 йилда ҳар 100 бош сигирдан планда кўзда тутилганидан етти бош зиёд соғлом бузоқ олинди, уларнинг ҳаммаси сақлаб қолинди.

— Фермамиз ходимлари, — деб сўзини давом эттирди Ҳусанбой ака, — сут ва гўшт етиштиришни бир-бирига боғлаб олиб боряптилар. Олинган бузоқларнинг урғочиси наслга қолдирилиб, эркаги гўштга боқиляпти. Бултур давлатга 336 тонна сут, 70 тонна гўшт сотиб, планни ошириб бажарган эдик. Ички эҳтиёжга 30 тонна атрофида сут, 6 тоннага яқин гўшт сарфладик. Юбилей йилида барча турдаги чорва маҳсулотлари миқдорини 25-30 процент кўпайтиришни планлаштирдик. Бундан ташқари, колхозчи деҳқонларимизнинг сут, гўштга бўлган эҳтиёжини тўла қондирамиз.

Чорва қишловини беталафот ўтказиш, қорамоллар, ҳусусан соғин сигирларни қишдан соғлом ва семиз олиб чиқиш туёқ сони ва маҳсулот етиштиришни кўпайтириш омилларидан биридир. Шунинг учун ҳам чорвадорлар шу кунларда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиляптилар. Бултур кузда қишда чорва молларга боқиладиган бинолар ёнига 1600 тонна беда ғарамланиб қўйилган, 2200 тонна силос бостирилган, 60 тонна концентрат озиқа келтирилган эди. Ҳозир ана шу озиқа тежаб-тергаб қорамолларга едириляпти. Ҳар бир сигирга бир кунда 800 граммдан 1,200 граммгача концентрат озиқа бериляпти. Соғин сигирларга ҳоҳлаганича силос едириляпти. Бузоқлар учун алоҳида иссиқ хоналар бор, озуқа рациони белгиланган. Қишлов бошланганидан буён бирор бош қорамолнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмаслиги қувончли ҳолдир.

Қишлов — чорвадорга синов. Қишловни намунали ўтказиш бутун жамоатчиликнинг муҳим вазифасидир. Сўнгги икки ойда чорва қишлови масаласи правление ва партия ташкилотининг қўшма мажлисида икки марта муҳокама қилинди, қишлов даврида чорвадорларга ёрдам кўрсатиш учун йигирмага яқин коммунист ва комсомол фермага ишга юборилди. Улар шу кунларда сигирхона, бузоқхоналарда ферма ходимлари билан ёнма-ён туриб ишлаяптилар.

Куни кеча сут-товар фермасида бўлдик. Хаёт қайнаяпти. Мавжуда Ҳомидова, Зоя Водопьянова, Валя Загидуллина ўз боқимидаги ҳар бош сигирдан 6-7 литрдан сут соғиб оляпти. Бўрдоқичилик хонасида 60 бош қорамол, 60 бош чўчқа сиртини силаб турибди. Улар эрта-индин давлатга гўштга топширилади. Яна 130 бош қорамол ва чўчқа бўрдоқига боқиляпти.

Сирдарё районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг чорвадорлари юбилей йилида ҳар қачонгидан кўп, арзон ва юқори сифатли чорва маҳсулотлари етиштириш ва бу соҳада машъал хўжаликларга тенглашиш учун дадил олға интиляптилар.

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

МАҒРУР ЯНГРАЙДИ

Улуғ доҳийимиз Владимир Ильич Ленин «...Ғалабага ҳаммадан аввал ишчилар синфининг қаҳрамонлиги туфайли эришдик», деган эди. **«Наманган ҳақиқати»** газетаси ана шу мавзуга махсус сон бағишлади. Газета ишчилар синфининг яратувчилик ва бунёдкорлик хусусиятини акс эттиришга интилган.

Туркистон ўлкасининг қолоқ вилоятларидан бири бўлган Наманганда Октябрь революцияси ғалаба қозониши биланоқ, янги социалистик корхоналар ва уларнинг чинакам хўжайинлари бўлган ишчилар синфи вужудга келди. Фақат пахта тозалаш заводларигина мавжуд бўлган областда эндиликда тўқимачилик, машинасозлик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқлар гуркираб ўсмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва тури йилдан-йилга ортиб бормоқда. Сўнгги 30 йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 21 марта кўпайди. Ҳозирги вақтда Наманган жаҳон бозорлари ва ярмарканларида актив иштирок этмоқда. Областнинг ишчилар синфи меҳнати билан яратилаётган саноат маҳсулоти дунёнинг 27 мамлакатига жўнатилмоқда.

Газетада Ўзбекистон КП Наманган шаҳар комитетининг биринчи секретари И. Ҳусниддинов, Учқўрғон ёғ заводи партия ташкилотининг секретари В. Гаврилов, Наманган консерва заводи ишчиси А. Маҳсумов, шойи тўқиш комбинатининг мастер ёрдамчиси С. Баҳриддинов тўқувчи И. Камолова ва бошқалар газета саҳифаларида область экономикасини янада тараққий эттириш ҳамда В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун янги-янги ғалабаларни қўлга киритаётганликлари ва бундан буён ҳам янги режалар асосида меҳнат қилажаклари тўғрисида ҳикоя қиладилар.

Областдаги ишчилар синфи илғор вакилларининг фотосуратлари, юксалиш диаграммалари мавзуни ёритишга кўмаклашган.

ЭЛЬБУРС тоғида қурилаётган осма йўлда охирги созлаш ишлари тугалланди. 32 кишини сиғдирадиган кабиналар 6 минут мобайнида тог сайрига чиқувчиларни 3 минг метр баландликка олиб чиқа олади. Суратда: осма йўлда дастлабки кабинанинг йўлга чиққан пайти.

В. Козлов фотоси, АПН.

ВОЛГОГРАД қувур тайёрлаш заводида иккинчи пайвандлаш станнки синаш ишлари бошлаб юборилди. Бошқа шундай станлардан учтасида тажриба тариқасида қувур ишлаб чиқарилмоқда. Суратда: электр ёрдамида пайвандлаш цехининг станларидан бирида тайёрланган қувур.

Н. Суровцев фотоси, (ТАСС).

ОЛТИН ВА ДАВР

Газетхонлар илтимосига кўра

Мурунтов олтин руда комбинатининг ишга туширилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Олтиннинг дастлабки ёмбилари қуюла бошланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида бир қанча олтин руда иншоотлари фойдаланишга топширилиш арафасида турибди. Мана шу қувончли фактлар мамлакатимизнинг пул-валюта ресурслари ва экономикасида янги истиқболларни очиб бериши шубҳасиз. Айни вақтда эса чет элларда валюта кризиси аланга олмоқда. Чунончи, француз франки девальвация қилинди, фунт-стерлинг ва ҳатто долларнинг ҳам яна девальвация қилиниши кутиляпти.

Айрим ўртоқлар шу воқеалар муносабати билан олтинга алоқадор бўлган масалалар: олтин ресурслари, қазиб олиниши ва жамият тараққиётидаги роли хусусидаги масалалар билан қизиқиб, бизга мурожаат этишяпти.

Чиндан ҳам олтиннинг қиммати нимада? Фақат олтингагина хос ёқимли ва тиниқ товланиши, сариғ ранги, атмосфера таъсирига ғоят чидамлилиги туфайли у «нодир металл» деб аталади. Бунинг устига олтиннинг камлиги ҳам кўшилиб, унинг асосий валюта бирлиги сифатидаги ролини оширади.

Олтиннинг яна бошқа хусусиятлари — масалан, қийин эриши, юқори даражада электр ўтказувчанлиги, оғирлиги ундан химия саноатида, медицинада, илмий асбобсозликда, ядро ва ракета техникасида ҳам кенг қўлланишга олиб келмоқда. Булар эса олтиннинг қимматини тағин ҳам юқори кўтаради.

Шунинг учун ҳам олтин халқаро муносабатларда алоҳида давлатларнинг иқтисодий қудратини ўзида мужассамлаштиради ва олтин ресурслари тўғрисидаги маълумотлар давлат «сири» ҳисобланади. Юридик жиҳатдан қараганда, алоҳида давлатлар томонидан чиқарилган мамлакат ичида муомалага киритиладиган пуллар ўз қиммат-эътибори билан ҳар бир давлат банкида (хазинасида) сақланадиган олтин ёмбилари билан баравар юриши керак. Ана шу баробарлик — эквивалент издан чиққан вақтда, яъни олтин запаслари камайиб кетган тақдирда амалдаги пул системасининг қадр-қиммати пасаяди ва у бошқа қоғоз пуллар чиқаришни — девальвацияни муқаррар қилиб қўяди.

Турли мамлакатларда мутахассислар олтиннинг умумий миқдорини ҳисобга олишга, унинг қанчаси муомалада ва қанчаси банкларда сақланаётганлигини билишга, конлардан қанча миқдорда олтин қазиб олиш мумкинлигини аниқлашга ҳаракат қилишади. Олтиннинг умумий миқдори сир сақланишини юқорида эслатиб ўтган эдик. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳақда тахминий маълумотлар берилади. Ана шундай тахминий маълумотларнинг бирнеча тури мавжуд.

Совет мутахассисларидан бири Г. В. Фоссинг тахминий ҳисобларига кўра (1969 йилга доир), инсониятнинг бутун тарихи давомида (СССРда ва социалистик лагерь мамлакатларида қазиб олинган олтин бу ҳисобга кирмайди) конлардан жами 70,7 минг тонна олтин қазиб олинган. Канада мутахассиси Поль Канавахнинг тахминича, 65,5 минг тонна олтин фақат сўнгги 475 йил мобайнида, яъни Америка кашф (1493 йил) қилинганидан кейин қазилган. Бу маълумот Канадада чиқадиган «Майнинг онд металургикол» журналининг 1968 йилги сонида эълон қилинган эди.

Инсоният жамиятининг ташкил топганига тахминан 6000 йил бўлган. Бу давр мобайнида конлардан 96 минг 300 тонна олтин, шу жумладан, 35,1 минг тоннаси XV асргача, қолган 62 минг тоннаси кейинги 467 йил ичида (1967 йилгача) қазиб олинган. Рақамлардан кўринриб турибдики, нодир металл — олтинни қазиб олиш кейинги асрларда тобора ўсиб бораётир. Салкам 500 йил мобайнида аввалги беш минг йилдагига қараганда икки баравар кўп олтин қазиб олинганлиги фикримизнинг далили бўла олади. Поль Канавахнинг берган маълумотига кўра, олтиннинг ҳисоблаб қўйилган запаслари салкам 31 минг тоннани ташкил этар экан.

Чет эл мутахассислари олтин қазиб олиш, айниқса, Америка Қўшма Штатларида унинг пул-валюта қадатчилигини мутлақо қоплай олмайди, деб маълум қилишади. Валюта қадатчилиги эса уруш мақсадларига, қуролланишга, ҳарбий базалар қуришга сарфланаётган ҳаражатлар, кўпинча камёб ҳом ашё турларини сотиб олиш ҳаражатлари натижасида келиб чиқади. АҚШ Вьетнамда олиб борилаётган урушнинг фақат ўзига ҳар йили қариб 30 миллиард доллар, «Вьетнам кампанияси» бошланганидан буён эса 100 миллиарддан зиёд доллар сарфлади. Бунинг устига Англия, Франция ва АҚШда валюта танглигининг яқинлашиб келаётганлигига барҳам бериш у ёқда турсин, ҳатто ундан бир оз бўлса ҳам қутилиш мақсадида пул-валюта бозорига олтин ёмбиларининг жуда катта запасини сарфлашга мажбур бўлинмоқда.

Шундай қилиб, пул-валюта танглигига асосий сабаб — уруш олиб бориш ва қуролланиш пойгаси бўлиб, империализм системасининг муқаррар хусусиятидир. Бундан ташқари, империализм ҳозирги системаси пул-валютанинг давлатлар қўлидагина эмас, балки алоҳида монополиялар ҳамда шахслар қўлида тўпланишини ҳам тақозо этади. Шуни айтиб ўтиш керакки, алоҳида монополиялар ва шахслар эса валюта билан доим олиб-сотарлик қиладилар. Бу ҳол давлатлар ҳазинасининг (миллий ҳазина) тўғаб боришига, валютанинг бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакатга ўтиб кетишига сабаб бўлади. Чунончи, Францияда худди шундай аҳвол юз берди. 1968 йилнинг уч ойи мобайнида француз хазинаси олтин запасларининг учдан бир қисмидан кўпроғидан (7 миллиард долларнинг 3 миллиардидан) маҳрум бўлди. Француз ва немис олибсотарларининг найранглари туфайли олтин запасларининг асосий қисми Германия Федератив Республикаси банкларига ўтиб кетди. Оқибат-натижада Франция франки ўтган йилнинг август ойида 12 процент баробарида девальвацияга учради.

Натижада жаҳон пул-валюта бозорида саросимлик авж олиб кетди. Олтиннинг баҳоси 30 процент ошди, яъни ҳар бир унсияси расмий 35 доллар ўрнига, 45 долларга етди. Доллар, фунт стерлинг ва франк эгалари олтин, кумуш, платинадан ясалган буюмларни, бошқа қимматбаҳо санъат асарларини сотиб ола бошладилар. Чунки кумуш ва платина баравардаги буюмлар баҳосининг тобора ошиб бораётганлигига сабаб, бу буюмлар замон таҳозоси билан техника тараққиёти мақсадида кенг қўлланилмоқда.

Баъзи мамлакатларда, жумладан, Жанубий Африка Иттифоқида платина қазиб олиш бир мунча кўпайган бўлса ҳам сўнгги беш йил мобайнида жаҳон бозорида бу ноёб металлга бўлган эҳтиёж, хусусан, нефтни қайта ишлаш ва химия саноатидаги катализатор сифатида янада ортиб боряпти. «Майнинг журнал»и ўзининг 1968 йилдаги сонларида шундай тахминлар юргизади. Платина группасига кирадиган металларни жаҳон миқёсида қазиб олишнинг умумий миқдори 1967 йилда 93 тоннани ташкил этди (яъни олтинга нисбатан 13 баравар кам қазиб олинди). Экспертлар 1971 йилда платина группасига кирадиган металларни жаҳон миқёсида қазиб олиш 125 тонна, шу жумладан, Жанубий Африкада 40 тоннагача ва Канадада 19,6 тоннагача ортади, деб тахмин қилмоқдалар.

Хўш, нодир металлар саноатининг бундан кейинги истиқболи қандай бўлади? Биринчидан, ҳали бир неча ўн йиллар мобайнида нодир металларнинг, энг аввало, олтиннинг валюта сифатидаги аҳамияти ўз кучини сақлаб қолади. Иккинчидан, фан ва техниканинг тараққий этиши билан нодир металларнинг техникада, медицинада қўлланилиши тобора кенгаяди. Бу эса нодир металларнинг валюта бозорида арзонлашуви у ёқда турсин, балки қимматлашиб кетишига сабаб бўлади. Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, яқин ўн йиллар мобайнида нодир металлар қазиб олиш суръатлари бирмунча ортади, лекин унинг миқдор кўпайиши бу камчиликка таъсир ўтказа олмайди.

Олтин қазиб чиқариш хусусан саҳро ёки ўрмонзорларда яшириниб ётган катламларни қидириб топиш ва уларни ишга тушириш ҳисобига кўпайтирилиши мумкин. Бу эса ернинг чуқур бағрида ётган конларни қидириш методлари ҳамда ишлаб чиқиш технологиясини яхшилаш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Биз юқорида баён қилиб ўтганимиз ноёб сифатларга эга бўлган олтин эксплуататорлар даврининг «ганфур метали»дан коммунистик жамият шароитида ҳаммага баб-баравар мазур бўлган металлга айланиши шубҳасиз. Чунки, олтин — безаклар ва бошқа эстетика буюмлари сифатида ҳар томонлама асарруф этиладиган бўлиб қолади. Шу билан бирга, олтиндан кумуш ва платина туркумига кирадиган бошқа металлар билан бир қаторда фан, техника ва соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун чекланмаган миқдорда фойдаланиш мумкин бўлади. Жанубий Урал замирида, бепоён Қизилқум саҳроси, Оролнинг жанубий ва шарқий бўйларидаги чўлларда ва бошқа жойларда яшириниб ётган жуда йирик олтин запасларини очиш халқ бахт-саодати йўлида муҳим роль ўйнайди, албатта.

И. ҲАМРОБОЕВ,
Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

ЭЛЛИГИНЧИ ЁДГОРЛИК

ХИВА, (ЎзТАГ). Ичанқалъа архитектура заповедниги эллигинчи қадимий ёдгорлик билан бойиди. Бу эллигинчи ёдгорлик усти гумбез, деворларида арки бор мақбара бўлиб, у ғоят кўркам ва синчиклаб безалгандир. Мақбара Жумамачит девори ёнидаги вайроналар остидан топилди. Ана шу вайроналарни реставрация қилувчи маҳаллий устахона ходимлари тозалаган эдилар.

Бундан тўрт юз йил муқаддам бунёд этилган хилхонанинг сиринни аниқлашга археологлар ёрдам бердилар. Улар бу ерга келиши билан Хива тарихининг кўпгина саҳифалари очилади.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Халқаро ҳаёт

ЭКОНОМИКАНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИ

ЧКП МАРКАЗИЙ ҚОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

ПРАГА, 31 январь. (ТАСС). Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленумида ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари В. Гуланинг ЧКП иқтисодий сиёсатининг асосий проблемалари тўғрисидаги доклад юзасидан қабул қилинган резолюциясида айтиладики, партиянинг экономикани мустаҳкамлаштириш йўлида кўрган чора-тадбирлари ўзининг дастлабки амалий натижаларини берди. Ўтган йилнинг иккинчи ярмида, дейилади резолюцияда, ишлаб чиқариш суръатлари тезлашди, иш ҳақининг ўсиши билан меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўртасидаги нисбат яхшилана бошлади.

ЧТК агентлигининг хабар ида айтилишича, резолюцияда шу нарса кўрсатиб ўтилдики, Чехословакия экономикаси 1948 йилдан кейин тез суръатлар б ан ривожланиб борди. Ишлаб чиқариш ҳажми саноатда ва қурилишда 1937 йилдагига нисбатан олти баравар кўпайди, миллий даромад эса уч ярим баравар кўпайди. Социалистик ишлаб чиқариш усулининг афзалликлари ҳаммани иш билан таъминлаш, даромадларни меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб тақсимлаш ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш учун шарт-шароит яратиб берди. Чехословакия ЧКП раҳбарлигида республика халқлари эришган якунлар билан фахрланади.

Шу билан бирга резолюцияда экономикани ривожлантиришда жиддий камчиликлар содир бўлганлиги кўрсатиб ўтилди.

Партиянинг январдан кейинги раҳбарлиги, деб таъкидлади ЧКП Марказий Комитетининг пленуми, экономиканинг ривожланишига таъсир ўтказмай қўйди. Марказий Комитетнинг 1967 йилда экономика масалаларига доир чиқарган хулосалари ва қарорлари амалга оширилмай қолди. Ўнг кучлар социалистик халқ хўжалигига план асосида раҳбарлик қилиш системасига ошкора ҳужум бошладилар. Ўнг ревизионист ва антисоциалистик кучларнинг 1968 йилдаги ва 1969 йилнинг бошидаги ҳаракатлари Чехословакия экономикасига катта зарар етказди, бу экономикадаги диспропорцияни чуқурлаштириб юборди ва экономиканинг самарадорлигини пасайтириб юборди. Улар партиянинг раҳбарлик йўлига, социалистик экономикага раҳбарлик системасига ва планнинг ролига путур етказдилар, ЧССРнинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларини заифлантиришга интилдилар.

Марказий Комитетнинг янги раҳбарлиги Марказий Комитетнинг ўтган йил май ва сентябридаги пленумларида салбий ривожланишни ва инфляция майлларини тўхтатиш йўлида биринчи қадамлар қўйди. Экономиканинг стихияли ривожланишига чек қўйилди.

Барча партия аъзоларининг вазифаси шуки, дейилади резолюцияда, улар халқ хўжалигидаги аҳволни нормаллаштиришни тугалламоқ учун, бу жараёнда барча меҳнаткашларнинг актив қатнашуви учун изчиллик билан кураш олиб боришлари керак.

Бошқа тадбирлар билан бир қаторда 1970 йил плани ҳам халқ хўжалигининг асосий масалаларини ҳал қилиш йўлларини белгилаб берди. Планнинг мақсади инфляцияни тўхтатиш, йилнинг иккинчи ярмида кўлга киритилган ижобий натижаларни мустаҳкамлаш, экономиканинг янада ривожланиши учун шарт-шароит вужудга келтиришдир.

Шундай қилиб, бу йилги халқ хўжалик плани партия иқтисодий сиёсатининг муҳим бўғини бўлиб қолмоқда. Халқ хўжалик планида қўйилган вазифалар мураккаб бўлса ҳам, лекин реал вазифалардир. Марказий Комитет бу вазифаларни бажаришни жамиятни ёппасига муҳимлаштирмоқ учун зарур шарт деб ҳисоблайди.

Резолюцияда планлаштиришни ва хўжаликка раҳбарлик системасини янада такомиллаштиришнинг асосий йўллари кўрсатиб берилди, ЧКПнинг раҳбарлик ролини ошириш чоралари ҳамда партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг конкрет вазифалари белгилаб берилди. Пленум давлат органлари зиммасига навбатдаги беш йил ичида халқ хўжалигини ривожлантиришга доир директивалар лойиҳасини 1970 йилнинг ўрталарига қадар ишлаб чиқиш, янги беш йиллик план лойиҳасини эса 1971 йилнинг бошида тузиб бериш вазифасини юклади.

ЧКП Марказий Комитети ишонч билдириб айтдики, партия касаба союз ва ёшлар ташкилотларининг хўжалик органлари ва корхоналарнинг активлик билан ишлаши, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, барча меҳнаткашларнинг куч ва ғайрат сарфлаши партия иқтисодий сиёсатининг 1970 йилдаги мақсадларини бажаришни таъминлайди.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

● ЛОНДОН. Саноатнинг турли соҳаларидаги минг-минглаб инглиз ишчилари ўз ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиб, қатъий кураш олиб бормоқдалар.

Форд компаниясининг 21 автомобил заводида ишловчи 46 минг ишчининг вакили бўлмиш цех оқсоқоллари компания маъмуриятининг ярим-ёрти таклифини рад қилиб, моддий аҳвол яхшиланиши тўғрисида қўйган талаблари батамом қондирилишини сўрамоқда. Ливерпул докерлари орасида бошланган ғалаёнлар Манчестерга ҳам тарқалиб, 1200 докернинг оғир меҳнат шароитларига қарши норозилик белгиси сифатида яқинда бир неча намойиш ўтказган эдилар.

Рединге шаҳридаги машинасозларнинг, Бирмингем металлургларининг ва Бромборо автомобилсозларининг забастовка кураши давом этмоқда.

● РИМ. Генуяда шаҳар металлсозлик саноати ишчиларидан 60 минг киши маъмурларнинг мамлакатдаги забастовка ҳаракатини бўшаштиришга қаратилган жазо чораларига қарши норозилик белгиси сифатида ялпи забастовка ўтказдилар.

● КАРАКАС. Ялпи забастовка Венесуэланинг Карора шаҳридаги фаолиятни батамом тўхтатиб қўйди. Меҳнаткашлар муниципал маъмурлар 30 ишчини бўшатиб юборганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар.

Лара штати меҳнаткашларнинг федерацияси (забастовка шунинг чақиригига биноан ўтказилган эди) сўнгги вақтларда шу райондаги ишсиллар кўпайиб бораётганлигини ва 30 минг кишидан ошиб кетганлигини айтди.

● БРЮССЕЛЬ. Лимбург вилоятидаги Бельгия кончиларидан 23 мингдан эшёд кишининг забастовкаси бошлангангига тўрт ҳафта бўлди. Улар ўзларининг моддий аҳволлари яхшиланишини талаб қилмоқдалар. Маъмурлар забастовкани барбод этишга уриниб кўраётганликларига қарамай ишчилар қўйган талаблари қондирилмагунга қадар курашишга бел боғлаганлар.

Ҳукумат Лимбург вилоятидаги аҳвол хусусида сиёсий партиялар, касаба союзлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг вакиллари билан маслаҳатлашмоқда.

● САНТЬЯГО. Чилининг Ньюбле вилоятидаги 200 ер эгалигининг 6 мингдан ошиқ деҳқони ва қишлоқ хўжалик ишчилари меҳнат шароитлари яхшиланишини, меҳнатга одилона ҳақ тўланишини, шунингдек ҳукумат 1967 йилнинг 16 июлидаёқ қабул қилган ер ислоҳоти тўғрисидаги қонун амалга оширилишини талаб қилиб забастовка эълон қилишлари (ТАСС).

БЕРЛИНДАГИ СССР ЭЛЧИХОНАСИ ВАКИЛИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БЕРЛИН, 1 февраль. (ТАСС). АҚШ, Буюк Британия ва Франциянинг Германия Федератив Республикасидаги элчилари (булар айни вақтда уч давлатнинг Ғарбий Берлиндаги ҳарбий маъмуриятларининг бошлиқлари ҳамдир) шу йил 31 январда Германия Демократик Республикасидаги СССР элчихонасига айни бир мазмундаги мактублар йўлладилар ва улар бу мактубларда Ғарбий Берлин билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги «гражданлик алоқа йўлларида яқинда рўй берган қийинчиликлар сабабли ташвишланаётганликларини» маълум қилдилар.

Германия Демократик Республикасидаги СССР элчихонаси шу муносабат билан қуйидагиларни айтди:

Совет томони мазкур ёзма мурожаатнинг асоссизлигини таъкидлаб шуни қайд қиладики, агар Ғарбий Берлинда бундай ғовғолик ҳаракатлари, жумладан, бундестаг органларининг яқинда шу шаҳарда ўтказган ғайри қонуний мажлислари сабабли намоён бўлмаганда эди, Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси томонидан ҳам тегишли чоралар кўрилмаган бўлур эди. Ғарбий Берлин учун тўрт томон зиммасидаги маълум масъулиятларга асосланиб, бундан буён ҳам Совет томони Бонн маъмурларининг Ғарбий Берлинга ўз ҳукмларини ҳуқуққа зид равишда ўтказиш йўлидаги урининларига нисбатан лозим бўлган чораларни кўраверади. Зеро, Ғарбий Берлин Германия Федератив Республикасидан мустақил бўлган сиёсий замин эканлиги маълум.

Америка босқинчилари ва уларнинг Жанубий Вьетнамдаги қўғирчоқлари Вьетнам тупроғида чексиз ваҳшийликлар қилмоқдалар. Суратда: Сайгон режимининг 9-жазо дивизиясининг қонхўр жаллодлари вьетнамлик ватанпарварларни «сўроқ» қилишяпти.

ТАСС фотохроникаси.



СУРИЯ АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ. Суратда: Латакия шаҳридаги дон омбори тасвирланган. 35.000 тонна дон сиғадиган бу иншоот болгар мутахассислари ёрдамида қурилган.

Централфото—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА, 2 февраль. (ТАСС). Жаҳон касаба союзлари федерациясига негиз солган Лондон касаба союз конференциясининг 25 йиллигига бағишланиб бу ерда халқаро касаба союз учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув вақтида касаба союзларнинг ўттиздан кўпроқ вакиллари сўзга чиқиб, бутун дунё меҳнаткашларининг бирлиги учун кураш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

ҚОҲИРА, 2 февраль (ТАСС). Кеча маҳаллий вақт билан эрталаб соат 9 да Миср самолётлари Сувайш каналининг жанубий ва шимолий секторларида Исроил қўшинларининг позицияларига ҳужум қилди. Миср самолётлари каналнинг жанубий қисмида Исроил тўпчилари ва пиёда қўшинлари турган жойларни, шунингдек Ал-Кантара районида ҳам Исроил қўшинларининг позицияларини ўққа тутдилар.

ҚОҲИРА, 2 февраль. (ТАСС). Кеча Бирлашган Араб Республикасининг ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари Сувайш каналининг марказий секторида Исроилия билан Аш-Шалуфа шаҳарлари районида Миср позицияларига ҳужум қилган Исроил самолётларидан бирини уриб туширди.

БИНЬШАУ ФОЖИАСИ

Яқинда жанубий вьетнамлик қиз Фам Тхи Лиен француз хотин-қизлар союзининг таклифига биноан Францияга келди. У Жанубий Вьетнам тупроғида тинч аҳолидан АҚШ ҳарбийларининг йиртқичларча ўч олганлиги ҳақида бир воқеани ҳикоя қилиб берди. У ҳарбий жиноятчиларни фош этиш ҳамда Француз-Вьетнам ассоциациясининг халқаро ҳарбот маркази томонидан ўюштирилган матбуот конференциясида сўзга чиқди.

Фам Тхи Лиен — балиқчининг қизи. У Куангнай вилоятининг Ба Ланг Ан ярим оролига жойлашган Биньшау жамоасидаги олтита қишлоқнинг бирида яшар эди.

У 1969 йил 13 январда бўлиб ўтган фожиали воқеаларнинг баъзи қўрқинчли дамларини эслаб ўзини тутиб туролмади, у ҳўнграб йиғлаб юборди.

«Мен Ба Ланг Анда бўлиб ўтган қонли қирғиндан сўнг қай тарзда омон қолганимни билмайман. Отам эса 1966 йилнинг 23 декабрида қишлоғимиздаги одамлар қатори жанубий кореялик ёлланган малайлар томонидан ўлдирилган эди.

Бизнинг жамоада олти минг киши бор эди. Улар балиқчилик ва деҳқончилик билан шуғулланардилар. Ўша куни уйда мен билан бирга онам, сингилларим ва укам қолган эдик. 1969 йил 13 январь куни қишлоғимизни эрта тонгдан бошлаб замбарақдан ўққа тута бошлашди. Аввал кемалардан, кейин яқинроқда жойлашган Америка базасидан ўқ уза бошладилар. Биз панага қочишга мажбур бўлдик.

Ўқ узиш тингач уйга қайтдик. Бироқ шу палланинг ўзида осмонда вертолётлар пайдо бўлди, қишлоққа эса танклар бостириб кела бошлади. Мен саккиз дугонам билан яна беркинишга улгурдим. Уйда онам ва кичик укам қолишган эди.

Тўсатдан каттиқ ўқ овози ҳамма ёқни тутиб кетди. Мен ўша томонга юзландим. Америка солдатлари аҳолини уй-уйидан ҳайдаб чиқиб уларни бронетранспортёрлар кузовига чиқишга мажбур қилар, бош тортганларни эса отиб ташлардилар.

Бир кекса чол қотиллар нима демоқчи эканлигини тушунмай нима қилишга ҳайрон бўлиб турганда унинг кўкрагига миллиқ найзасини санчган ҳолда отиб ташлашди. Машина ёнида ўликлардан тепаликлар ҳосил бўлди.

Солдатлар ўлмай қолганларни қўл-оёқларини боғлаб олиб кетишди. Бульдозерлар билан уйларни бузиб ер билан баравар қилишди. Бундай даҳшатни кўриб мен яна яширинишга мажбур бўлдим.

Бари бир отишма тўхтамади... Сўнг тўсатдан портлаш юз берди. Шунда мен даҳшатли ҳамқишлоқларим яширинган бир пана жойни эсладим.

Кеч кирди, отишмалар камайди, танклар овози тингандек бўлди. Шунда биз паналикдан чиқиб, ўз ота-оналаримизни қидиришга югурдик. Лекин жасадлар шунчалик оёқ ости қилинганки, уларнинг кимнинг танаси эканлигини ҳам билиб бўлмасди.

Одамлар қўплаб яширинадиган жойлардан асар ҳам қолмабди. Улар портлатилган эди. Одамларнинг бурда-бурда бўлиб кетган таналари ҳар томонда сочилиб ётарди.

Шундай аҳволда бўлса ҳам мен икки холамнинг ва икки жиянимнинг таналарини топишга эришдим. Синглимнинг танасини қўлига таққан билакузуккчасидан танидим. Ҳандақ ёнида ўттизтача ўлик ётган экан. Уларнинг орасидан бошқа холаларим ва уларнинг болаларининг танаси чиқди, бундан ташқари, Вон амакимнинг уч ўғлининг танаси ҳам шу ердан топилди.

Биз ўликларнинг ҳаммасини ўз удумимиз бўйича дафн эта олмадик. Ҳамма ёқда таналар қонга бўялган ва тупроқ билан қоришган ҳолда бўлгани учун ҳеч нима қилиб бўлмади. Эндиликда бу ер ўртоқлик мозорига айлантирилди.

Биз қўшни қишлоққа ҳам бордик. У ерда ҳам худди шундай манзараларга дуч келдик. Кулбалар вайронага айланган, дарахтлар портлашлардан синган, эгилган, каллакланган эди. Қаёққа қарама, ўликни кўрасан. Омон қолган йигит ва қизларнинг айтишларича, бизнинг қишлоғимизда қандай бўлган бўлса, бу ерда ҳам шундай воқеа юз берибди. Биз уларга мурдаларни кўмишга кўмаклашдик.

Мен онамнинг на ўлигини, на тиригини топа олмадим. Биз ўз қишлоғимизга қайтиб келдик. Ғорларда кун кечирдик, қолган-қутган зогора нонлар билан жон сақладик.

Бир ҳафтадан сўнг омон қолган деҳқонларни концлагерга ҳайдаб кетишибди. Ҳайдаб кетилган ўн бир минг кишининг ичида онамнинг ҳам борлигини айтишди. Онам ўша ерда ўлганмиш. Шароитнинг ёмонлигидан онам қатори яна қишлоғимиздан борган 46 киши ҳам вафот этибди. Улардан ўн саккиз киши бизнинг оиламиздан экан.

Мен етим қолдим. Лекин шундай бўлса ҳам кичик ўғил укам омон бўлса керак деб умид қиламан».

— Ўша кунниг ўзида, — дейди Фам Тхи Лиен, — бизнинг қишлоғимиздаги аҳолидан 300 киши ўлдирилган экан!

«Юманите» — АПН.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 — Тонгги концерт. 8.25 — Муқимий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 — Ю. Николаев. Украина темаларидаги сюита. 10.10 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 10.30 — Ш. Эргашев ва С. Аминов ижросида қўшиқлар. 11.15 — «Илмий тараққиёт» туркумидан эшитириш. 11.30 — Узбек балетларидан парчалар. 13.30 — Людмила Зикина куйлайди. 15.15 — «Замондошларимиз». Адабий эшитириш (русча). 15.30 — Ёшлар ижоди. 16.10 — Чолғу куйлари. 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — «Пахтачилик резервлари ишга солинсин» (русча). 18.10 — И. Акбаров. Симфоник сюита. 18.40 — Спорт эшитириши. 19.20 — Халқлар Ленин ҳақида куйлайди. 20.00 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 21.00 — «ЛЕНИННОМА» программаси (русча). 21.30 — Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун концерт. 22.20 — Шўх қушиқлар. 22.40 — Севимли ёзувчилар радио кутубхонаси. А. Қаҳҳор. «Қўшчинор чироқлари» романидан парча. 23.15 — Дам олиш концерти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — **Москва кўрсатади.**
17.55 — **Тошкент кўрсатади.**

Рус тилида: 18.00 — Телеэнциклопедия. 18.15 — Қўғирчоқ фильм. 18.25 — «Кимё — халқ хўжалигига». 18.45 — Кино ҳақида суҳбат.

Узбек тилида: 20.00 — Телеэнциклопедия. 20.15 — Пахтакорларнинг қишки тадбирлари. 20.35 — **«Уруш ва тинчлик»** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Тошкент.** Ўқув кўрсатувлари. 20.00 — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **Тошкент кўрсатувлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/II да **Лайли ва Мажнун**, 4/II да **Спартак**, 5/II да **Ойжамол.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/II да **Улимдан кучли**, 4/II да **Олтинчи июль**, 5/II да **Олтинчи июль.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/II да **Гавҳари шамчироқ**, 5/II да **Фарҳод ва Ширин.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/II да **Освенцим жаллодлари.** 4/II да **Баҳс**, 5/II да **Учинчи орзу.**

КИНО

Хавфли гастроллар — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «ДРУЖБА», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ эрталаб 11, кундуз 1.15, 3.15, кеч 8.30 ва 9.45 минутларда).

Гўзал малиакам (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз 5 ярим да) «ЧАЙКА» (кундуз соат 2 да).

Шахмат новелласи — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Болаликнинг сўнгги кечаси — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Махфий миссия — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ўтган кунлар — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз соат 4.40 минутда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
3—4 ФЕВРАЛДА

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА ЕШ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:
СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати
ТАМАРАХОНИМ
СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати
Галия ИЗМАЙЛОВА
Узбекистон ССР халқ артистлари: Ғулом АБДУРАҲМОНОВ, Қундуз МИРКАРИМОВА, Клара ЮСУПОВА;
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Камтар ОТАБОЕВ, Вилоят ОҚИЛОВА, Мирза ТОҲИРОВ;
Солистлар: Алижон ҲАСАНОВ, Гулшод ОГАБОЕВА, Анвар РУСТАМОВ Ҳайрулла ЛУТФИЛЛАЕВ, Манзура МУМИНОВА, Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Баҳодир ЗИЕМУҲАМЕДОВ;
ТУХТАСИН ЖАЛИЛОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ ОРКЕСТРИ
Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
САИД АЛИЕВ
Дирижёр — Аббос БАҲРОМОВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ
Программани — Ғулом ТОЖИ-АЪЛОЕВ олиб боради.
Концерт кеч соат 8 да бошланади.
Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

ЎРТА ОСИЕ ТАБИИЙ ГАЗ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
лаборатория раҳбарлари: газ ва газ-конденсатли конларни ишлаш анализи, ҳунармандчилик геологияси, газ конларидан сув чиқаришни регулировка қилиш ва прогнози, металлургияда газдан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида газдан фойдаланиш, газни ёқиш маҳсулотларининг анализи, иссиқлик ўлчовлари ва татбиқ этиш, газ конлари эксплуатацияси, газни тайёрлаш, антикоррозиядан ҳимоя қилиш, газни ер остида сақлаш, иқтисодий тадқиқотлар.
Коннурсда доктор ёки фан кандидати илмий даражасига эга бўлганлар, ҳамда олий маълумотли катта иш тажрибаси бор, илмий иш ва ихтиролари бўлган малакали мутахассислар қатнаша оладилар.
Бошқа шаҳардан келиб конкурсда ўтганларга 2 йил давомида уй берилади.
Конкурс муддати — 20 февралгача.
Ариза ва ҳужжатлар: Тошкент-115, Муқимий кўчаси, 93-уйга юборилсин.

«МЕЖГОРСВЯЗЬСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 4-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА
ишлаб чиқариш таълими бўйича усталар (алоқа бўйича), техника хавфсизлиги бўйича катта инженер, машинистка. Тошкентда ва жойларга чиқиб ишлаш учун монтажчилар: автокранчилар, шоферлар, шогирдлар
КЕРАК
Армия хизматини тамомлаб келганлар станция ва кабел алоқаси монтажи касби бўйича ўргатилади.
Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, У. Юсупов кўчаси, 70 уй, (10 трамвай ва троллейбус, 8, 10, 14, автобусларнинг «Издательство» бекати). Телефон 33-64-24.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ШАҲАРЛАРИДАГИ «ТЕПЛОМОНТАЖ» ТРЕСТИГА
катта прорабларга — участка бошлиқлари, бош бухгалтер, прорабларга, ўтга тобловчилар, гишт терувчилар, труба ётқизувчилар, кранчилар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент — 151, Уйғур кўчаси, 4-Лочин проезди.

159-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 10-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
гишт терувчилар, дурадгорлар, электр пайвандчилар, бетончилар, арматурачилар, ёрдамчи ишчилар
КЕРАК
Меҳнат ҳақи — ишбай, мукофотли.
Ёлғиз кишиларга ётоқхона, оиналиклар Тошкент шаҳрида пропискадан ўтказиладилар, ҳамда навбати билан уй берилади.
Қурилиш объектлари шаҳар марказида.
Мурожаат учун адрес: Тошкент-69, Металлистлар кўчаси (56-автобусининг сўнгги бекати) Телефон № 44-16-04.

Узбекистон КП Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Советининг ижроия комитети республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1924 йилдан буён КПСС аъзоси Нигмат ШЕРМУҲАМЕДОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Тошкент область прокуратураси коллективи прокуратурани нинг катта терговчиси Д. Раҳимовга отаси Абдураҳим ЖАЛИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545 Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283 Партия турмуши — 333469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337604. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат, капитал қуриляш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258 Қишлоқ хўжалиги — 337604 Адабиёт ва санъат — 332036, 337221 Фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451 Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524 Стенографистка — 337343. Корректура — 337162 Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон - 43—85. Бухоро 3—31 - 42. Қарши 22—82. Наманган 21 - 88. Нукус - 42 - 62. Самарқанд 31—972. Термиз 23—27. Фарғона 41—88. Урганч 34—55. Гулистон - 22 - 09

№ Г — 27. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583 Р. 07975.